

Муфтий ҳазрат Ислом олами робитаси вакили билан учрашдилар



18:30 / 14.05.2022 2340

Бугун, 14 май куни Муфтий Нуриддин домла ҳазратлари Ислом олами робитаси Халқаро ёрдам, фаровонлик ва тараққиёт ташкилоти Бош котиби доктор Абдулазиз Сарҳан жаноблари билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасида учрашув ўтказдилар.

Мулоқот чоғида Муфтий ҳазратлари мамлакатимизда сўнгги йилларда мўмин-мусулмонларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида ишлар қилинаётганини сўзлаб, республикада масжидлар сони 2114 тага етгани, кун сайин янги масжидлар очилаётгани, 13 та диний таълим муассасаси ишлаётгани, ҳудудлардаги илмий мактаблар фаолият юритаётгани, 21 ҳудудда “Қуръони карим ва тажвид” бўйича ўқув курслари жадал ишлаётгани, умра зиёратига чекланмаган ададда

фуқаролар бориб келаётгани, Рамазон ойида имом-хатибларимиз АҚШ, Европа, Россия ва МДХ мамлакатларида масжидларда хизмат қилаётгани кабиларни сўзлаб бердилар. Шунингдек, Ислom динини кенг ёйиш борасида қилинаётган илмий-маърифий ишларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

Абдулазиз Сарҳан жаноблари Ўзбекистон Ислom илмлари равнақ топган табаррук замин экани, Имом Бухорий бу диёрни бутун оламга машҳур қилгани, барча мўмин-мусулмонлар бу улуғ зот билан ифтихор қилишини изҳор этди. Бош котиб мамлакатдаги бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратда экани, айниқса, барпо этилаётган Ислom цивилизацияси маркази мусулмон олами учун ҳам жуда катта фахр бўлишига ишонч билдирди.

Мартабали меҳмон дунёнинг турли ерларида ўзбек миллатига мансуб инсонлар истиқомат қилиши, хусусан, Саудия Арабистонининг Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларида ҳам кўплиги, улар орасида ислom уламолари ҳам борлигини эътироф этди. Шунингдек, ушбу ўзбеклар ўзларининг миллийлиги, урф-одатларини сақлаб қолганлари таҳсинга лойиқ эканига тўхталди. Кўп жиҳатларда Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасида муштарак ўхшашликлар мавжуд эканини сўзлади.

Абдулазиз Сарҳан Ислom олами робитаси мусулмон оламида нуфузли ташкилот экани, унинг дунё бўйлаб 70 дан ортиқ муассасалари фаолият юритиши, масжидлар қуриш, қудуқлар қазиш каби хайрия ишларини ҳам амалга ошириши ҳақида маълумот берди.

Келгусида Ислom олами робитаси делегацияси Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилгани, мазкур сафар асносида юртимиз алломалари ва мутафаккирлари мероси билан яқиндан танишиш, диний-маърифий соҳадаги фаолиятни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишни айтиши баробарида муфтий Нуриддин домла ҳазратларини Саудия Арабистонидаги Ислom олами робитаси қароргоҳида кўришдан жуда ҳам мамнун бўлишини изҳор этди Бош котиб доктор Абдулазиз Сарҳан жаноблари.

Учрашув дўстона ва самимий руҳда ўтди.